

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОДНОМИДАГИ МИЛЛИЙ
РАССОМЛИКВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ
“ТАСВИРИЙ САНЪАТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“МИНИАТЮРА ВА КИТОБ ГРАФИКАСИ” КАФЕДРАСИ**

“Ҳимояга тавсия этилсин”
кафедра мудири
_____ Ж.Рашидов
“ _____ “ _____ 201__ йил

5151000 – Графика (Дастгоҳ ва китоб графикаси) бакалавр таълим йўналишининг
кундузги бўлим 019-15- гуруҳ талабаси

Якубова Муниса Шовкат қизи

“Хаёт” номли дастгоҳли

Графика композициялар

мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирув малакавий иши раҳбари:
“Миниатюра ва китоб графикаси”
кафедраси катта ўқитувчиси
_____ Л.Башарова

Бажарди:
“Дастгоҳ ва китоб графикаси”
йўналиши талабаси
Якубова Муниса _____

Мазкур малакавий битирув иши “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедрасининг 2019 йил 15-июндаги №9 сонли ва Тасвирий санъат факультет Кенгашининг 20 ____ йил “____” _____ даги № ____ сонли мажлисида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди.

Тақризчи: _____

Ҳимоя 2019 йил 28-июнда соат 9⁰⁰ да Ўзбекистон Бадиий Академияси Марказий Кўргазмалар залида бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш.Рашидов кўчаси, 40-уй.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
АСОСИЙ ҚИСМ	
I БОБ. ГРАФИКА САНЪАТИ ТАРИХИВА УСТОЗ ГРАФИКЛАР ИЖОДИ	
1.1. Графика санъатида қаламтасвирнинг ўрни.....	9
1.2. Ўзбек графика санъатининг ёрқин намоёндаси.....	12
1.3. Дастгоҳли графика тушнчаси	16
II БОБ. “ҲАЁТ”НОМЛИ ДАСТГОҲЛИ ГРАФИКА	
2.1. Ҳаёт фалсафаси.....	27
2.2. “Ҳаёт”номли дастгоҳли графиканияратилиши.....	30
ХУЛОСА.....	32
АТАМАЛАР.....	34
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	38
ИЛОВАЛАР.....	39

КИРИШ

“Таълим-тарбия онг маҳсули, лекин айни пайтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир”¹.

И.А.Каримов

Бугун миллат ҳам, мамлакат ҳам Республика таълим тизимида маънавий баркамол авлодни тарбиялашни талаб қилмоқда. Инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши таълим муассасаларининг асосий вазифасидир. Келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишларига боғлиқ. Фарзандларимизни мустақил ва эркин фикрлаш қобилиятига эга бўлган комил инсонлар қилиб тарбиялашда тасвирий санъат йўналиши катта ҳиссаси бор.

Санъат, жумладан тасвирий санъатнинг жамият ва инсоният тараққиётидаги ўрни ҳақида гапирилганда унинг ривожланиш тарихи ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир. Тасвирий санъатнинг шаклланиш жараёни ибтидоий жамоа тузуми давридан бошлаб ниҳоятда узоқ йўлни босиб ўтди.

Тасвирий санъат дунёни, инсоннинг гўзалликка бўлган интилишларини теран фикрлашга ундайди. Халқимизнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишлари, мустақил юртимизни янада гўзал қилишга, уни эстетик жиҳатдан бойитишга интилишлари бениҳоядир.

Давлатимиз ўзи шаклланаётган мураккаб бир даврда бадий маданият тақдирини учун масъулиятни зиммасига олиб, тасвирий санъат соҳасига алоҳида эътибор қаратди. 1997 йилда Биринчи Президентимиз И.А.Каримов Фармони билан Ўзбекистон Бадий Академияси ташкил этилди. Унинг олдида Ўзбекистон ҳудудида шаклланган миллий санъатнинг турли мактабларига хос

¹И.Каримов. “Юксак маънавият енгилмас куч”, Тошкент. “Маънавият” нашриёти. 2008 й.

ноёб анъаналарни асраб-авайлаш, ўрганиш ва ривожлантириш; миллий тасвирий, амалий, миниатюра санъати дурдоналарини оммалаштириш; замон талабига жавоб берадиган бадиий таълим тизимини яратиш; юқори малакали кадрлаш тайёрлаш; академик йўналишидаги илмий-тадқиқот ишларни ривожлантириш вазифаси турарди. Ўзбекистон Бадиий Академиясининг самарали фаолияти натижасида мустақиллик йилларида ўз асарлари билан юртимизни дунёга машҳур қилган рассомлар номи улуғланиб, уларга юксак эътибор кўрсатилди. Ўзбекистоннинг бой маданий меросга эга ва юксак бадиий ютуқларга эришган давлат сифатидаги мавқеини ошириш, тасвирий санъатни ривожлантириш учун асос яратилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб махсулотларини чоп этиш ва китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш тўғрисида”ги 4789-сонли фармойишининг залвори ҳам, юки ҳам оғир.² Қилинадиган ишлар кўлами катта, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар кенг ва салмоқлидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар бир чиқишларида ёшларимизни китобхонликка ўргатиш, бу ишга ижодкорларни жалб этиш ҳақида бот-бот таъкидлайдилар. Зеро, навқирон авлодни бой маънавий меросимиз билан

² Сирожиддин Саййид, Китобсиз келажак йўқ. ЎзА

таништириш, улар қалбида тарихимизга муҳаббатни уйғотишда китоб беқиёс аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши юртдошларимизни, хусусан, ёшларни китоб мутолаасига жалб этишда янги даврни бошлаб берди, десак асло муболаға бўлмайди.

Ёш авлодни тарбиялаш, уларга тасвирий санъат йўналишларини ўргатиш билан бирга, биз таълим олаётган улуғ даргоҳнинг “Миниатюра ва китоб графикаси” кафедраси ҳам кенг ижодий қамровли графикачи рассомларни, яъни китоб, плакат ва эстамп нашрларини, олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари, санъат мактаб-интернатлари, шунингдек, Республикамиз ҳудудида жойлашган ижодий ташкилотлар учун ватанпарвар, жонкуяр, истеъдодли, меҳнатсевар кадрлар етказиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Биз бўлажак мутахассислар реалистик қаламтасвир ва рангтасвир бўйича маҳорат билан бирга ихтисосликнинг турли масалаларини ҳал этишимиз, бадиий образли тафаккур услубини эгаллаш учун керак бўладиган билим ва малакаларни ўзимизда шакллантиришимиз керак. Барча графикачи рассомлар кенг маънодаги назарий ва амалий тайёргарликдан ўтишлари лозим. Чунки биз зукко, нозик таъб, эстетик маданият эгаси бўлиб шаклланишимиз учун эгаллаган билим ва кўникмаларимиздан унумли фойдаланишимиз, мустақил Ўзбекистон давлати тараққиётига астойдил хизмат қилишимиз зарур. Келажакда бу мақсадларни амалга ошириш учун биз ижодкорлар ўз билим доираларимизни кенгайтириб, ҳаётдаги воқеаларни кузатиб боришимиз, тараққиётнинг янги ютуқлари билан танишишимиз, ўз билимларимизни кенгайтиришимиз зарур бўлади. Ҳар бир графикачи рассомнинг вазифаси плакат, рекламалар дизайнини яратиш, китоб ва бошқа барча нашрларни безаш, бунинг учун миллий анъаналарни, ватан тарихини чуқур билиш, унинг қадимий ёдгорликларини ва амалий санъат намуналарини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг долзарблиги: Битирув малакавий ишининг долзарблиги ёш авлодга ҳаётда ўз йулини топиши, ҳаётнинг гўзалигини, мазмунини, кадр-қимматини тушуниб етиши тўлақонлик билан ақсатириб берилган. Графика йўналишида бу мавзуда жуда кўп асарлар ҳозирги даврга қадар яратилган ҳамда тўпланган. Ушбу мавзу юзасидан туркум иллюстрациялар тасвирланди. Мавзуга алоқадор асарлар кўриб ўрганилиб ва китоблар ўқиб чиқилди, мавзу юзасидан графика композициялари яратилди.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари: Битирув малакавий иши мавзусидан келиб чиққан ҳолда ҳаёт фалсафасини тўлақонлик билан очиб бериш иллюстрацияларда ҳаётни жабхаларини кўрсатиш асосий мақсади ҳисоблади.

Битирув малакавий ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар асосий вазифа сифатида қўйилди:

- Тасвирий санъатнинг графика йўналишига таъриф бериш ва мазкур санъатнинг асосий тушунча, тамойилларини ёритиш;

- Графика санъатида узтоз ижодкорларнинг ҳаёти ва фаолияти;

- Дастгоҳли графика ;

- Ҳаёт мавзусидаги асарларга қисқача тариф.

Битирув малакавий ишининг қиёсий таҳлили. Таниқли рассомлар, санъатшунос олимларнинг илмий асарлари, Битирув малакавий ишининг қиёсий таҳлили шу билан белгиланадики, унда иш жараёнида графика назарияси таҳлил қилинади. Асарда қаҳрамонларнинг тимсоллари амалий ҳамда назарий жиҳатдан ўрганилиб татбиқ этилди. Графика композициясида иллюстрация ишлашнинг мазмуни ва ишлаш йўллари ўзига ҳос жиҳатлари ишлаб чиқилди.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Бу мавзу бўйича янги илк талқин бўлиб чуқур ўйлаб чиқилди. Шу ўринда мавзу бўйича белгиланган вазифалар назарий-амалий ўрганиб чиқилди. Амалий равишда асар қаҳрамонлари фаолиятининг мазмун-моҳияти график рассом нигоҳида ўз

аксини топади. Бу эса малакавий ишнинг ҳам илмий, ҳам амалий янгилигини тасдиқлайди.

Битирув малакавий ишининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур битирув малакавий ишида асар қаҳрамонлари образининг тасвирий талқини сифатида амалий аҳамият касб этади. Қолаверса, мазкур ишдан ҳосил бўладиган амалий тажрибалар ёш ижодкорлар томонидан ижодий фаолиятда амалий қўлланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг предмети ва объекти: Асарда ҳаёт асосида асарга тематик композиция яратиш жараёни ва бадиий асар мазмуни талқинини тўлиқлигича ёритиб бериш ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг илмий ва назарий аҳамияти. “Ҳаёт” мавзусига иллюстрация яратиш жараёнида бир қатор манбалар ўрганилиб, улардан тегишли назарий ва амалий хулосалар чиқарилди. Бу хулосалар битирув малакавий ишининг назарий ва амалий асосларини белгилаш имконини берди. Шунингдек, мазкур иш юзасидан шакллантирилган назарий хулосалар мос йўналишда бажарилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши: кириш, 2 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова каби қисмлардан иборат.

АСОСИЙ ҚИСМ

I БОБ. ГРАФИКА САНЪАТИ ТАРИХИВА УСТОЗ ГРАФИКЛАР ИЖОДИ

1.1.Графика санъатида қаламтасвирнинг ўрни

Тасвирий санъатнинг кенг тарқалган ва энг оммабоп тури графика санъати ҳисобланади. Бу санъатга биз ҳар куни ва ҳар қадамда дуч келамиз. Оддий қора қаламда чизилган сурат, китобнинг ички ва ташқи томонига ишланган турли бадиий чизма ва безак расмлар, йўл чиптасидан тортиб мураккаб расмий пул ва лотарей қоғозлари, плакат, этикетка, ўрамава маркалар шу санъатнинг турли кўринишлари ҳисобланади.

Графика асарлари ўзининг ишланиш услубига қараб қаламтасвир, гравюра (ксилография, литография, офорт) деб юритилади.

Қаламтасвирга кўлда ишланган барча расмлар (тасвирлар) киради. Бу расмлар оддий қора қалам, перо, ручка, мўйқаламда ишланиши мумкин. Қаламтасвирда чизиқ муҳим ўринни эгаллаб баъзан бундай кўлда ишланган расмларни “Чизматасвир” деб ҳам юритилади.³

Қаламтасвир инсон фаолиятининг энг қадимги тури ҳисобланади. Одамзот табиат билан мулоқатга киришиб боргани сари унинг сир асрорларини ўзлаштириб унга муносабатини билдириб борган. Ёниб кўмирга айланган ёғоч қаламчаси, тош, суяк ва шунга ўхшаш нарсалар билан чизиқлар ҳосил қилган, ўз хаяжон ва фикрларини ифодалай бошлаган.

Инсон фаолиятлашиб жамият ривожлана боргани сари расм чизиш асослари ҳам мураккаблашиб борган. Расм чизиш учун эндиликда юзаси силлиқланган ёғоч, папириус, мол терисидан тайёрланган пергамент ва ниҳоят қоғоз ихтиро қилиниб улар ишнинг мазмуни ва бажарадиган амалига кўра танлана бошланган.

³ Н.Абдуллаев, “Санъат тарихи”, 1-жилд, Тошкент, 1991 й.

Уйғониш даврига келиб қаламтасвир мустақил санъат турига айланди. Агар ўрта асрларда қаламда ишланган расмлар шунчаки рассом, меъмор ва бошқа санъаткорлар учун ёрдамчи восита бўлган бўлса, масалан бўлажак асарнинг хомаки қораламаси, бўлажак бинонинг чизма лойихаси ёки тархи ва х.к., бу даврга келиб эса қаламтасвир шу вазифасини сақлаб қолгани холда эндиликда мустақил санъат тури сифатида ўзида мустақил ғоя ва фикрларни баён эта бошлади. Шу санъатнинг таникли ижодкорлири етишиб чиқа бошлади. Шу ўринда италиялик, германиялик рассомлар ижоди эътиборга лойиқ. Немис Уйғониш даврининг сўнгги йирик вакили Кичик Ганс Гольбейн (1497-1543) қаламсурат устаси сифатида машхур бўлиб дунёнинг энг яхши қаламкашларидан бири ҳисобланади. Унинг шу техникада ишлаган портрет ва мавзули суратлари чизиқларининг ифодалилиги ҳамда нур ва соя орасидаги курашнинг нафис тасвири билан характерланади. Ганс Гольбейн турли рангли қоғоз ва қаламлардан фойдаланиб шу санъатнинг ажойиб намуналарини яратишга муваффақ бўлган. Унинг портретлари ўзининг ташқи эффекти билан диққатни тортади. Рассом тасвирланувчининг кийимлари, уни ўраб турган муҳит ва ундаги буюмларнинг характери ва фактурасини юксак маҳорат билан кўрсатади. Француз рассоми Жан Фуке, рус рассомлари А.Серов, Бакст қаламтасвирлари ҳам эътиборга лойиқ. Улар қоғоз фактураси, ранги, турли қалам ва унинг кучининг жозибасидан унумли фойдаланиб қаламтасвирининг нодир намуналарини яратганлар.

Ўзбекистонда қаламтасвир санъатининг тарихи ўрта аср билан боғлиқ ва асосан хуснихат-каллиграфия ва наққошлик санъатининг унсурлари-табиат шаклларининг соддалаштирилган кўринишларида, Камолиддин Беҳзод асарларида намоён бўлган бўлса ҳам, лекин унинг кенг маънода замонавий кўринишдаги шакли XIX асрнинг II-ярмидан бошланди. Бу санъатнинг даслабки ижодкорлари чеккадан келган европалик рассомлар эди. В.Вележевнинг Тошкент ва унинг атрофидаги манзараларни акс эттириувчи қаламтасвирлари, Н.Каразин, С.Дудин ва бошқа рассомлар ижодидага этнографик тасвирлар шу санъатнинг дастлабки кўринишларидан эди.

Қаламтасвирнинг Ўзбекистон худудида ривожланиши ва кенг кулоч ёйилиши XX асрнинг бошларида Тошкент, Бухоро, Фарғона ва бошқа шаҳарларда бирин кетин очила бошлаган замонавий мактаблар, касб-хунар билим юртлири, тасвирий санъат студия ва тўғараклар билан боғлиқ. Шу даврдан бошлаб биринчи бор борлиқни ўзига қараб расм чизиш, мавжуд ҳаётий воқеа ва ходисаларнинг ҳаққоний тасвирини яратиш ҳаракати ривожланиб борди. Махаллий рассомларнинг биринчи авлодлари қаламда унинг ўқув машқларини ишладилар, дастгоҳ қаламтасвир намуналарини ярата бошладилар. Иброҳим Даврон, У.Тансиқбоев, Б.Хамдамий ва бошқалар шу борадаги асарлари шу давр изланишлари натижаси эди. Ўзбекистонда яшаб ижод қилган А.Волков, Усто Мўмин (А.Николаев), Чингиз Ахмаров ва бошқалар шу санъатнинг ажойиб намуналарини яратиб қолдирдилар.

Тарихий шахслар образини яратишда рассом олдида мушкул вазифа туради. Чунки камдан-кам ҳолатлардан мустасно тарздагина тарихда уларнинг ташқи қиёфалари ҳақида ҳеч қандай далиллар сақланиб қолмаган. Бунинг натижасида ўзида замонаси руҳини тимсоллаштирувчи умумлашма тарздаги рамзий портретлар вужудга келмоқда. Қутлуғ Башаровнинг “Спитамен” полотноси шулар жумласидандир.

Ўзбек қаламтасвирининг янги босқичи XX асрнинг II-ярмига тўғри келади. Бу даврга келиб қаламтасвирнинг академик йўналишида асарлар яратилди, Дастгоҳ қаламтасвир кенг кулоч ёйди. Баҳодир Жалол, Жавлон Умарбеков, Искандар Воҳидов, Алишер Мирзаев, Патхилла Хаитов ва бошқаларнинг дастгоҳ қаламтасвирлари, чизги ва қораламалари шу санъатнинг янги имкониятларини намойиш этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг юртимизнинг қадимий тарихини ёритувчи китоб ва рисоалар кўплаб нашр этила бошланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ўндан ортиқ нашриётлар фаолият кўрсатмоқда. Ушбу нашриётларда, замонавий ўзбекистонлик муаллифлар билан бир қаторда аждодларимиз қаламига мансуб, шунингдек, ҳорижий муаллифларнинг асарлари ҳам чоп этилмоқда.

1.2. Ўзбек графика санъатининг ёрқин намоёндаси

Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаманки, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади.⁴

Шавкат Мирзиёев

Президентимиз Шавкат Мирзиёев адабиёт, санъат ва маданият вакиллари билан бўлган ижодий учрашувда “Мамлакатимизда олиб борилаётган бугунги кенг кўламли ислохотлар, янги ланиш ва ўзгаришлар жараёнида ижодкор зиёлиларимизнинг ўрни ва ҳиссаси жуда катта бўлмоқда. Биз халқимизнинг маънавий камол топишида маданият намоёндаларининг улкан хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз. Юксак идеаллар йўлида фидоийлик кўрсатиб яшаш, ўзлигини англаш, ғурур ва ифтихор, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш учун бел боғлаб майдонга чиқиш-сиз ижод аҳлига хос эзгу фазилатлар эканини ҳаммамиз яхши биламиз ва буни юксак кадрлаймиз”, - дея ижод аҳлининг фаолиятларини қўллаб қувватладилар.⁵ Ўзбекистон санъатида китоб графикаси тарихи узок тарихга кириб борса ҳам лекин унинг замонавий кўринишлари XIX аср охиридан кенг кўламда кириб келган ва ўзбек замонавий санъатининг илк намуналари айнан шу санъатда яратилган. XX аср 20 – 30 йиллардан эса бу санъатнинг ўзига хос миллий шакллари ривожланиб унинг етук вакиллари етишиб чиққан. Шулар ичида Искандар Икромов шу санъатнинг ўзига хос кўринишларини яратган.⁶

⁴Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. 03.08.2017й

⁵Юқоридаги манбаа.

⁶Ш.Абдуллаев. Тасвирий санъат нима, унинг тур ва жанрлари(Санъат тарихини ўрганувчилар учун ўқув кўланма) Тошкент-2009 й

Туғма истеъдод соҳиби бўлган, машҳур график rassоми, китобот санъатида ўзига хос мактаб яратган Искандар Икромов 1904-йилда Тошкентда туғилган. Рассом ёшлигиданоқ тасвирий санъатни мўжиза деб билди ва 1923-йилда эски Жўва майдонидаги I-босмахонада жойлашган Туркистон музофот расм мактабига ўқишга борди. Тасвирий санъатдан илк сабоқни шу ерда олган бўлажак рассом 1925-1929 йилларда Санкт-Петербургда, Бадиий академия қошидаги Бадиий санъат техникумида таълим олди.

1929-1930 йилларда Самарқанд педагогика техникумида ўқитувчи, 1929-1959 йилларда Ўзбекистон Давлат нашриётида графика бўлими мудири, 1959-1965-йилларда Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси раиси вазифаларида фаолият кўрсатди. Мусаввир 30-йилларда “Маориф ва ўқитувчи”, “Аланга”, “Ер юзи” журналларида тасвирий санъатга оид мақолалар эълон қилиш билан бирга рассомлик санъати ва безак санъати ҳақида “Расм ўрганиш” қўлланмаси (1933), “Ҳарф ёзишни ўрганиш” (1935), “Ўзбекча расмли кесма алифбе” (1932), “Ўзбекча алифбе бўяш китобчаси” (1932) каби услубий қўлланмаларини яратди. Улар санъат мухлислари томонидан яхши қабул қилиниб, ўша йилларда бу қўлланмалар Шоназар Шораҳимов, Баҳром Ҳамдамий, Лутфулла Абдуллоев, Ҳамидулла Икромов, Самиф Абдуллаев каби рассомларнинг ўз касбининг етук мутахассислари бўлиб етишиш вазифасини ўтади. Рассом ўз ижодий фаолияти давомида, айниқса, китоблар, уларнинг муқовалари ва ички безакларини безаш бўйича моҳир рассом сифатида шуҳрат қозонди. Унинг Н.Сафаровнинг “Унутилмас кунлар”, Қ.Лохутийнинг “Биз енгамиз” китобларига, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом асарларига, Пушкин поэмаларига, Шевченконинг “Кўбузчи”, Тургеневнинг “Арафа”, Турсунзоданинг “Чаманзор”, Берди Кербобоевнинг “Дадил қадам”, Ражабийнинг “Ўзбек халқ мусиқаси” асарларига ишлаган безаклари нафақат рассом ижодида, балки китоб безаш санъати соҳасига муҳим аҳамиятга эга бўлди. “Ўзбеклар орасидан этишган биринчи полиграф санъаткори китоб доктори (rассоми) ўртоқ Искандар ишига севги ила ёпишганлиги маълум”, деб ёзган эди таниқли ёзувчи Ойбек, “Кенг ижодий соҳасига энди қадам қўяётган ўртоқ Искандарнинг

мактаб доирасида бажарган ишларида ҳам катта умидлар бахш этувчи нарсалар бор. Искандар ҳар рассом каби чизиқларнинг, рангларнинг сирини кўп яхши англайди. Чизиқ ва рангларга ҳаёт, ҳаракаткиргизади”.

И.Икромов Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказишда фаол иштирок этиб, Шоирнинг “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий”, “Хазойин ул-маоний” китобларини гўзал услубда безади. Уларда шоир яшаган давр меъморчилигида қўлланган нақш намуналаридан, ўша давр қўлёмаларида ишланган безаклардан усталик билан фойдаланди. Шунингдек, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Лутфий, Мирзо Улуғбек, Бобур каби маданиятимизнинг буюк намояндалари китобларига ҳам катта меҳр ва самимият билан безаклар ишлади. Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарининг I ва V жилдларига чизган безаклари ёрқинлиги, ҳаётийлиги ва катта жозибаси билан китобхонни ўзига жалб этади.

И.Икромов ижодига ўз вақтида Ойбек, Ч.Аҳмаров, Мирмуҳсин ҳамда йирик китобшунос ва санъатшунос А.Сидоровлар юқори баҳо берганлар. “Искандар ака нозик дидли ажойиб инсон эди. Шунинг билан бирга, у ўзбек графика санъатининг асосчиси эди”,—деган эди Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров. “Искандар Икромов биринчи бўлиб, ўзбек миллий китобат санъатини тиклаган ва унинг шуҳратини жаҳонга намоёиш қилган санъаткор эди. Искандар акада ўзбек миллий зиёлиларининг кўп ижобий фазилатлари мужассам эди. Шу боис Искандар Икромов аввалги ўзбек зиёлиларига хос фазилатли инсон ва ўз миллий санъатини қалбдан севган ижочкор сифатида катта таасурот қолдирган”.

И.Икромов халқаро ва республика китоб танловлари ва кўرғазмаларида ўз асарлари билан қатнашиб, юксак мукофотларга сазовор бўлди. Собиқ Иттифок китоб, графика ва плакатлар кўрғазмасида Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари беағи учун 1956-йилда иккинчи даражали диплом, 1959-йилда Олмониянинг Лейпсиг шаҳрида ўтказилган халқаро китоб кўрғазмасида Алишер Навоийнинг “Лирика” китобига ишлаган беағи учун бронза медали, 1965-йилда Алишер Навоийнинг “Ҳикматли сўзлар” китоби муқоваси учун

собик Иттифоқ Рассомлар уюшмасининг иккинчи даражали дипломи билан тақдирланган. Шунингдек, 1970-йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикаларининг энг яхши китоб ва журнал безаклари учун ўтказилган 9-танловида 1-даражали дипломга ҳам сазовор бўлган.

Академик шоир Ғафур Ғулом Искандар Икромов беаган ўз китобини қўлига олар экан: “Аввал Моний, Искандар соний” деб унинг санъатига юксак баҳо берганлиги бежиз эмас.

Чунки рассом ўзбек китобат санъатида миллий анъаналарга суянган ҳолда ўз мактабини яратди. И.Икромов ижодий иш билан раҳбарлик ва жамоат ишларини олиб борди.

У Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси раиси, собик Иттифоқ Рассомлар уюшмаси раҳбариятининг котиби, Шарқ халқлари санъат Давлат музейи илмий кенгаши, Ўзбекистон маданият вазирлиги методик кенгаши аъзоси эди. Унинг сермазмун ижоди “Ўзбекистон халқ рассоми” (1944) унвони ва бир неча орден, медаллар билан муносиб тақдирланди. Машҳур график рассом Искандар Икромов 1972-йил 6-ноябрда Тошкент шаҳрида вафот этди. Ундан бебаҳо санъат асарлари, ажойиб шогирдлар ва садоқатли фарзандлар қолди. Унинг ҳаёт йўли ана шу шогирд ва фарзандлари учун бебаҳо китобдек муқаддасдир.

1.3. Дастгоҳли графика

Графика – ҳозирги замон санъатининг кенг тарқалган турларидан биридир. Графика юнонча сўздан олинган бўлиб “*grafor*” – “*ёзаман*”, “*чизаман*” деган маънони англатади. Шундай қилиб, графика бу ҳаммадан аввал чизматасвир, чизиқлар санъати, оқ ва қора рангларни уйғунлигидир. Асосан оқ ранг сифатида оқ қоғознинг ўзи хизмат қилади. Қора ранг эса қалам ва кўмир ёки бошқа қуруқ бўёвчи ашёлар ҳисобланади.

Бу санъатга оддий қора қаламда чизилган сурат, тематик композициялар, китобнинг ички ва ташқи томонига ишланган турли бадиий чизма ва безак расмлар, плакатлар, гугурт қутичасига ишланган суратлар, этикеткалар, турли хилдаги маркалар киради. Графикада воқеълик, асосан, турли узунлик ва

қалинликдаги чизиқлар ёки оқ-қора бۆёклар ёрдамида акс эттирилади. Графика асарлари ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмай, кўп ҳолларда қоғозга ишланади. Тасвирий санъатнинг бу турида ранг ишлатилмайди, ишлатилса ҳам, унинг характерли томонини белгиламайди. Графика тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, у ўз ичига плакат, иллюстрация, карикатура, шарж, экслибрис, гравюра, амалий графика, қаламтасвир асарларини олади. Графика тўрт турга: дастгоҳли графика, газета-журнал графикаси, плакат ва амалий (*ёки саноат*) графикага ажратилади.

Графикани иккига бўлиш мумкин: 1-қоғоздаги чизги. 2-босма графика. Агар рангтасвирчининг кўлида ҳамма бۆёклардан, ранглардан унум билан фойдаланиш имкони бўлса, график рассомлар фақатгина бир рангдан фойдаланадилар. График шундай рассомки, у ранглардан маҳрум бўлган “шартли дунёда” жойлашади ва у энг таъсирчан ва жонли дунёвий асар яратади.

Графика асарлари, маҳсулотлари тез тайёрлаш имкони, сикл ва туркумлар яратиш мумкинлиги, ташвиқот ва тарғиботга мослиги ва бошқа уни тасвирий санъатнинг энг оммавий муҳим соҳасига айлантирди. Техникаси жиҳатдан графика 2 гуруҳга ажратилади: кўлда чизиладиган расм ва матбада чоп қилинадиган, кўп нусхада нашр этиладиган босма маҳсулотлар (гравюра, литография, монотипия ва ҳ.к.). Рангтасвир билан графика чегарасидаги акварел, гуаш, пастел ранг-тасвирга ҳам, графикага ҳам мансуб бўлиши мумкин. Биринчисининг тарихи жуда қадимий бўлиб ибтидоий одамлар ғор деворларига, қоятошларга чизиб қолдирган ибтидоий санъат намуналаридан бошланади.

Иккинчиси, асосанлиграфия ривожини билан боғлиқ, лекин полиграфия саноати вужудга келишидан анча олдин ҳам Хитойда 6-7- асрлар (Европада 14-15-асрлар)да гравюра ишланган. Литография эса 19-асрдагина вужудга келди.

Графика ишлатиладиган асосий соҳалардан бири китоб, ўрта асрларда вужудга келган хаттотлик ва китоб яратиш ишининг санъатига айланиши, қўлёзма китобларни ёзиш ва безаш санъат тури сифатида ривожланиш оқибатида миниатюра санъати ривожланган, унинг турли-туман мактаблари

вужудга келган. Жаҳоннинг энг йирик музейларида жозибадор китоб намуналари сақланади. Рассомнинг китоб яратиш жараёнидаги меҳнати, айниқса, полиграфия санъати вужудга келганидан кейин катта аҳамият касб этди, китоб мазмуни китобхон кўз ўнгида гавдаланишида хизмат қиладиган расмларни энди фотография имкониятларидан фойдаланиб кўплаб нусхаларда нашр қилиш имкони туғилди. Шундай қилиб, китоб графика ва плакат кишиларга маънавий таъсир кўрсатишнинг кучли қуролига айланади. Рассом расмдан ташқари китобнинг муқоваси, сарварағини безайди, турли безак унсурларини яратади, китобнинг шрифтини белгилаб беради. Саноатнинг барча тармоқларининг ривожини маҳсулотлар рекламасидан тортиб ёрлик, маҳсулот жойланадиган безакли қутичалар, ўров материаллари ва ҳ.к. ни яратишни тақозо этади

Гравюра (француз, “grave” “ўймоқ”) – рассом бирор текис юза (*тахта, линолеум, металл*)ни махсус ўйиш учун ишлатиладиган асбоб – штихел билан ўйиб тасвир чизади. Бу юзада тасвир ҳосил қилади ва буни “*клише*” деб номланади. Клише юзасига бўёқ суртилади, сўнг у қоғоз юзасига туширилади. Қоғозда ҳосил бўлган тасвир гравюрадир. Лекин гравюра учун ишлатиладиган юза материалига қараб (*линолеум, ёғоч, металл*), турлича номланади. Масалан, гравюра линолеумга туширилган бўлса, *линогравюра*, ёғоч юзасига туширилган бўлса, *ксилография* деб номланади. Тасвир заминдан чуқурлаштириб ўйма тасвир ҳосил қилинади, бу усул асосан металл (*мис, жез, рух ва б.*) пластиналардан фойдаланилганда (гравюранинг бир-биридан фарқ қилувчи аквантинта, меццо-тинто, офорт, қуруқ игна ва бошқа турларида) қўлланилади. Гравюра бир хил бўёқда, шунингдек турли рангдаги бўёқларда бўялиши, ундан кўплаб нусха кўчирилиши, ифода имкониятларининг кенглиги билан аҳамиятлидир. Мустақил аҳамиятга эга бўлган дастгоҳ гравюраси (эстамп) ва китоб, газета, журналларда безак (*иллюстрация*) вазифасини ўтайдиган китоб гравюраси кенг ривожланган. Гравюранинг вужудга келиши ва ривожини ҳунармандликнинг тараққиёти билан боғлиқ. Ёғоч гравюраси матоларни бўяш, гул босишда, металл гравюраси эса заргарликда қадимдан кенг қўлланилган.

Гравюра – французча феъдан келиб чикқан бўлиб, “ўйиб ёзаман” деган маънони беради. Графика санъати чизма тасвирининг босма тарзда ўйиб, сўнгра металл ёки ёғоч тахтачага тушириладиган тасвир туридир.

Графикачи рассомнинг ютуғи шундаки, у ўз асарини кўп маротаба нусхасини кўпайтириш мумкинлигидир. Масалан, бир тахтага рассом томонидан ўйиб ишланган бирорта композицияни, хатто бир неча маротаба босмадан чиқариш мумкин. У оддий рассом томонидан бир дона қалам тасвирдан кўплаб нусхадаги муаллифлик асари бўлиб қолиши мумкинлиги билан ажралиб туради. Тахтанинг босма услублари қавариқ ва ботик, чуқур графикага ажралади.

Бир рангли литография. Фил суяги рангидаги текис литографик тош танланади. Унинг фактураси эътиборга олиниб, қора мойли қалам билан чизилади. Кўпгина рассомлар қаламтасвирни осонроқ тошга тушириш, ёруғлик ва рангни аниқ бериш учун эскизга шаффоф қоғоз қўядилар ва чизиқлар бўйлаб юриб, уларни тошга ўтказадилар.

Шаффоф қоғоздан фойдаланиш ўрнига қоғозда дадил ҳаракат қилган маъкул. Литографияда тузатиш яхши натижага олиб келмайди, ундан кўра қаламтасвирни бутунлай қириб ташлаш лозим, шунда рассомнинг ўзлиги яъни ўз услуби сақланиб қолади.

Шу ўринда литографиянинг яна бир жиҳати очилади, яъни тошга ўтказиладиган эскиз қанчалик мукамал бўлмасин, уни тошга ўтказиш техник усули бўлиб, рассом ижод қилмасдан ўз-ўзидан нусха олгандек бўлиб қолади. Шунинг учун расмни тошга эскизсиз ишлаган маъкул. Аммо тошга эскизсиз ишлаш кўп йиллик тажрибани талаб қилади ва рассомнинг маҳоратига боғлиқ бўлади.

Автолитография билан шуғулланиш. Танлаб олинган тош яхшилаб ишқалаб тозаланган, текис бўлиши шарт. Тошни рассом эмас, силлиқловчи уста тайёрлаб беради. Дастлабки силлиқлашдан кейин тош намланади ва денгиз пемзаси билан текис, босмасдан ишқалаб силлиқланади. Пайдо бўлган оқ кукун юмшоқ латта билан ювиб турилади ва яхшилаб қуритилади. Текис

жилвирланган тошга мўйқалам, перо билан чизиш мумкин. Ғадир-будир юзали тош донатор дейилади. Донатор юзали тош қуйидагича тайёрланади. Тош силлиқлангач, унинг устига юпқа қум эланади. Сўнгра унга бошқа литографик тош қўйилади. Бу тош билан қора шаклида ҳаракат қилиб юза текис ишқаланади. Кўпинча тошни тезроқ текислаш учун ҳам қумдан фойдаланилади. Қум тош юзасини ғадир-будир қилади. Ғадир-будир юза иш ишнинг хусусиятига қараб танланади. Нозик ва майда ишлар учун донаторлик ўткирроқ ва майдароқ бўлиши керак бўлади. Чунки катта суратлар, плакатлар йирик донатор тошга чизилади. Тошнинг донаторлиги унга қандай қум билан ишлов берилишига боғлиқ. Ўта майда донатор тош тайёрлаш учун майда қум ёки туюлган шишадан фойдаланилади. Қум элайдиган элак турли катталиқда бўлиши зарур.

Тошга ишлов бергач, у сув билан ювилади ва қурилади. Ишқалаш натижасини билиш учун юза текшириб чиқилади. Ишни бошлашдан аввал литографик қалам билан чизиладиган жой ром ичига олинади. Сотувда литографик қаламлар думалоқ, тўртбурчак, шу билан бирга турли қаттиқликда бўлади. Қаламлар 6-7 см узунликда бўлганлиги туфайли, улар рейсфедрга қотирилади. Оддий қаттиқ қалам билан тошга чизма сурат чизилиб текислангач, литографик қалам билан ишлаш бошланади.

Иш жараёнида қўл остига махсус тиргак қўйилади, ёки тоза қоғоз билан ёпилади, бунда очик жойга қўл тегиб кетмаслиги лозим. Сабаби қўл теккан жой мой бўлиб, босмага тушиб қолади. Бундан ташқари, тошга ишлаётиб ўчирғичдан мутлақо фойдаланиб бўлмайди. Агар у ёки бу чизиқ нотўғри тушган бўлса, уни игна билан ёки махсус шабер билан олиб ташланади.

Тошда ишлашнинг қийин томони шуки, ундаги тасвир тескари кўринишда бўлади. Ишни осонлаштириш учун кўпгина литограф-рассомлар олдида кўзгу қўйилади. Унда эскиздаги композиция кўриниб туради. Мабода кўзгудаги тасвирдан чизилса, асл нусхага мос келувчи сурат олиш мумкин.

Кўзгудаги тасвирдан ҳам тўғридан-тўғри эскиз олиш мумкин. Бу каби эскиздан расм чизадиган рассом ўзини эркинроқ сезади ва тасвир жиддийроқ

чиқади. Тошга расм ишлаш рассомдан катта кўникмани талаб қилади, шунинг учун аввал бир рангли литографияни ўрганиш ўринли бўлади. Бунинг учун қалам, тушь билан чизиб кўриш керак. Бу вақтда тошга перо билан чизиш қийин, сабаби, у тош юзасида сирпаниб кетади. Тошга туш билан чизишнинг ўз усуллари бор. Бунинг учун тошни сув ёки скипидар билан ювиб юбориш мақсадга мувофиқ. Бундай усулни кўплаб рассомлар, хусусан таниқли график рассом П.И.Баранов ҳам қўллаган. Литография билан жиддий шуғулланишни истаган рассом, бу борадаги қўлланмаларга хусусан, Р.И.Суворовнинг қизиқарли ва оммабоп китоби “Литография санъати”га ёки Ўзбекистон график рассоми И.Воҳитов томанидан “Ашёлар технологияси” ўқув қўлланмасига муражаат қилиши мумкин. Унда чоп этиш жараёни, тошни тозалаш, ашёлар, асбоблар ҳақида мукамал ахборот берилади.

Агар тошга расм ишлаш мақсад қилинган бўлса, у ҳолда дастлаб қалам билан чизган маъқул. Бу соҳада кўникма ҳосил бўлгач, перо ва мойқалам билан ишланади.

Қалам ва тушь билан бир вақтда ишлаш ҳам мумкин, бироқ, қалам қанчалик юмшоқ бўлмасин, ундан кўра туш кўпроқ бўртиб туради. Асарнинг тусини секин-аста кучайтириш учун уни тушлаш мумкин, лекин бу рассомнинг мўлжалига боғлиқ, Тушлаш вақтида маълум бир тартиб билан ишлаш талаб қилинади. Иш якунланагандан сўнг чизикларни тортиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу вақтда бир жойнинг ўзида қалам билан бир неча марта ишлаш мумкин эмас.

Рангли литографиякашф қилинган, орадан узоқ йиллар оқ-қора рангда босмалаш усули амал қилган. Аслида рангли тасвир ҳосил қилиш учун уни акварель билан бўяб кўйилар эди. Фақат XIX асрнинг иккинчи ярмидан суратлар икки ва уч тусда босила бошланган. Аммо XIX асрнинг 60 йилларида рус литограф рассоми Тимм ўз варақалари ва альбомларини беш ва ундан кўп рангларда боса бошлади. XIX аср охирида рангли литография оммалашиб кетди. Ғарбдаги литография усталари А.Тулуз-Лотрек,

Т.А.Стенлейн, Ж.Шерелар бу санъат соҳасида ажойиб асарлар яратиб қолдирдилар.

“**Литография**” - юнонча сўз бўлиб “*литос*”-тош ва “*графос*”- ёзаман деган маънони билдиради. Бу атама ўзбек тилида “*тош босма*” тарзида қўлланилган.

Сўнгги йилларда рангли литография билан кўпгина рассомлар шуғулланиб келмоқдалар. Рангли литография мустақил санъат асари сифатида кенг тарқалди. Чунки у бошқа эстамплар билан бир қаторда замоавий интерьерда яхши кўринади. Рангли литография зарур ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган график санъат тури бўлиб уни яна хромолитография деб ҳам номланган. Тўғри бу ном литография ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлганда, яъни у ёки бу рассомнинг картинаси оммавий чиқарилишга тўғри келганда бажарилади.

График – рассом О.Г.Верейскийнинг “Йўлдаги дам олиш” асари ҳам рангли литографияга яққол мисол бўла олади.

Масалан, кўк, қизил, сарик, кулранг ва қора каби бешта рангдан иборат рангли литографияни бажариш керак бўлди. У ҳолда асосий чизувчи ранг қора бўлиб қолади. Тошга бу асосий ранг туширилади, четларига белги қўйилади. Ва бу тошдан қалин қоғозга бир нечта босма чиқарилади. У кейин акварель билан бўялади. Акварель яхши ётиши учун уни совунли сувга айлантирилади. Рангларни танлаш аниқ бўлгач, тошга ишлаш бошланади. Бунинг учун бўялган эскиз босма шаффоф қоғозга ўтказилади, ва ранглар чегараси, уларнинг аралашуви бошқача ранг бериб белгилаб олинади.

Тошга туш билан ишланадиган бўлса, бундай ранглар майин кўринишга эга бўлиши мумкин. Агар бир неча ранглар усма-уст туширилса, у ҳолда нохуш кўриниш ҳосил бўлиши мумкин. Шунинг учун дастлаб контрабриз қилиб, ишда нечта бўёқ бўлса, шунча тошга ўтказилади. Рангли литографияда рассом бўёқларни тартиб билан белгилашига боғлиқ. Масалан, сарикни кўк устидан берилса, сарғиш-яшил ранг пайдо бўлади, аксинча бўлса, кўкиш-яшил бўлади.

Гравюрага – ксилографюра ҳам киради. Бўртма гравюра учун тахтанинг юзаси яхшилаб силлиқланади. Мазкур тахтачалар (*нок, пальма, олма ва самжит*) каби мевали ва қаттиқ ёғочлардан тайёрланади. Кейин ўша силлиқланган юзага қалам, перо ёки мўйқалам билан ўйланган композицион тасвир туширилади. Сўнгра ўювчи рассом босмада оқ бўлиши керак бўлган жойларни қолдириб, штрихларни ўйиб чиқади. Бу вақтда қора доғлар ҳам ўйилади. Бўртиқ тасвир ҳосил бўлиши учун (*итихел*) деб номланувчи махсус пичокдан фойдаланилади. Бўртиқ тасвир ҳосил бўлгандан сўнг унга бўёқни валик билан юргизилади ва уни юзига қоғозни ётқизиб, сўнг уни қоғоз ва босма билан босилади. Ўйилган бўртма гравюрага, ксилографюра (*дарахдаги ўйма тасвир*), гравюра ва линографюра (*линолеумдаги ўйма тасвир*) киради.

Офортда чуқурлашган гравюра металл ўйиш пичоғи билан ёки кислота билан металдан иборат пластинка (*мис, пўлат ва цинк*) га бўёқ махсус шимғич билан чуқурлашган тасвирга урилади. Тахтани юзаси тоза қилиб артилади ва унга ҳўлланган қоғоз ётқизилади. Сўнг махсус дастгоҳда кучли босим билан босилади. Босимни шундай куч билан босиш керакки, натижада қоғоз чуқирлашган жойгача босилади ва бўёқларга тегиб туради. Натижада у ўта майда штрихларгача ўзига қабул қилиб олади.

Чуқурлашган гравюрага ўйма гравюра, офорт, акватинта, мецо – тинто, қуруқ игна, юмшоқ лок киради.

Ўйма гравюра ўзининг аниқ чизиклари билан айланиб туради, металдаги ўйиқ чуқурлигидан қатий назар унинг қалинлиги ҳам тушади. Улар металл тахтачаларга махсус кескичлар билан ўйилади. Бу пўлат игна дейилади.

Қуруқ игна – нафислашган ва тиниқ қора чизиклари уйғунлашуви билан характерланади. Металл (*пластинка*) тахтача юзаси махсус пўлат игна билан тирналади ва тасвир ҳосил қилинади. Игнани кучли босим билан ботирилганда унинг изларида тиниқлик даражаси ортади ва улар кўпроқ бўёқни ушлаб туради. Ҳамда ана шу жойлар босма вақтида қоғозга яхши тушади.

Мецо – тинто – (*қора услуб*) – техникаси учун тахтачанинг юзаси жилвир кум қоғоз билан ғадир – будир қилинади ва босмада тўлиқ қора замин (*фон*) ни ҳосил қилади. Сўнгра ғадир – будир жойларнинг ёруғ қисмлари дазмолланади.

Металда гравюранинг баъзи турларида кислота билан ҳам ишланади.

Қаттиқ босим – акватинта деб номланади ва акварель бўёғига ўхшаш оқувчанликка ўхшайди.

Левис – металл тахтачадаги юзага кислота билан мўйқаламда амалга ошириладиган бу техника лавис деб юритилади.

Акватинта – металл тахтачага махсус (*конифол*) кукун билан ёпиштирилади. У босма вақтда қанча кўп ушлаб турилса, шунча кучли тус қоғозга тушади. Акватинта баъзан офорт билан қўлланилади.

Юмшоқ лок техникаси – бунинг учун қоғоз қалам билан чизилган тасвирни юмшоқ лок билан гурунтланган тахта юзасига ётқизилади ва айнан шу из қаламдаги чизги каби эффеқтни ҳосил қилади. Бу эса юмшоқ лок техникаси ҳисобланади.

Рангли гравюра – бир нечта тахтачада босилади. Бу ҳолда ҳар бир ранг учун фақат бир бўёқ хизмат қилади.

Баъзан бир тахтача юзасини турли хил бўёқлар билан ёпиш орқали босма ҳосил қилинади.

Линогравюра: Линогравюрани босмадан чиқариш учун илгари ишлатилган линолеум ёки пластик ашёни ушлаб туриб, унинг юзасини жилвир қоғоз билан ишқаланади. Унда иш олиб бориш учун бурчакли кескич, ярим айлана кесишган кескич ва тиғи чархланган пичоқ билан линолиумнинг ортиқча жойлари олинади. Унинг юзасида оқ чизиклар штрих қолиши керак. Махсус пичоқларни соябоннинг эски спицаларидан тайёрлаш мумкин. Бунинг учун спицаларни 60-80 мм бўлакларга бўлинади ва уни оловда тобланади аммо уни ортиқча қиздириш керак эмас. Кейин ушбу буюмларни мойга солинади. Сўнгра тайёр ўқларни олиб латта билан ортиқча қириндилардан ишқалаб тозаланаяди. Кейин яна оловда у то тилла рангга кигунча қиздирилади. Сўнг пичоқ образивли бурусчалар ҳосил қилинади. Чархлагич ўрнида ўқув ручкасини пичоқ

сифатида ишлатиш мумкин. Пичоқ ўрнида дурадгор стамескасини ҳам ишлатиш мумкин. Линогравюра техникасининг турли хил иш усули мавжуд. Масалан: оқ ва қора штрих билан ишлаш мумкин. Агар сиз қора штрих билан ишласангиз, унда ҳосил қилинган чизиқни иккита томондан қирқилади ва фонни ҳамма қисми чуқурлаштирилади. Шишган чизиқлар босмага хос тарзда оқ фонда ҳосил қилинади. Линолиумда чизилган чизгининг чизиқларини сабр тоқат билан ўйиб чиқилади.

Оқ фонда оқ штрихни линолиумга тушираётганда бевосита гравюра иши олиб бориладиган вақтда умумий қирралар ишланади.

Ўйиш ишлари тугагач, босма ишлар бошланади. Бунинг учун бўёқлар махсус қоғозга сиқилади. Сўнг уларни тахминан бир кун шундайлигича қолдирилади. Кейин бўёқнинг маълум қисми учиб кетгач, бўёқлар йиғиб олинади ва алмаштирилади. Сўнг бўёқлар фотографиянинг ёки нашриёт валиги билан суртилади. Аввал бўёқни ойна юзасида думалатилади, сўнгра линолиумга суртилади. Агар валик бўлмаса, унинг ўрнига терили босмадан фойдаланиш мумкин. Бўёқни ҳаддан ортиқ кўп суртмаслик лозим. Чунки унинг ортиқчаси чуқурчаларга тушиб чаплашиб кетиб, чизгини бузиши мумкин. Шунингдек, бўёқ ҳаддан ортиқ кам суртилса, босмадан чиққан ранглар оч хира, кул ранг бўлиб чиқиши ва иш яхши кўринмаслиги мумкин. Линогравюра билан нафақат дастгоҳда балки қўлда ҳам босма ҳосил қилиш мумкин. Линогравюрада ўйма босма ҳосил қилмоқчи бўлган қоғоз ётқизилади. Унинг устидан яна бошқа қоғоз кўйиб, устидан бирорта қаттиқ буюм масалан қошиқ билан ишқаланади. Қоғоз юзаси яхши суртилиши учун жун билан ишқаланади. Босма учун қоғоз юмшоқ ва унча қалин бўлмаслиги керак. Қоғозни иложи борича катта ўлчамлигини танланиши мақсадга мувофиқдир. Чунки катта қоғознинг ўртасига туширилган тасвирнинг четларида оқ хошия кўпроқ қолса унинг гўзал кўриниши таъминланади.

Биринчи босмадан сўнг уни диққат билан кўриб чиқилади. Бундай текширишдан мақсад асарнинг яхши чиққан-чиқмаганлигини билишдан иборат. Масалан, агар унда оқ бўлиб чиқиши керак бўлган жойлар чапланган бўлса, у

ҳолда линолиумнинг шу жойини чуқурлаштириб тўғриланади. Қора фонда штрих ҳосил қилиш учун линолиумнинг қора жойларини ўйиб қўйиш мумкин. Бироқ тасвирда қора штрихлар билан қўшма қилиш ёки доғлар билан ишлаш энди мумкин эмас.

Офорт – гравюранинг металлга уйиб ишлаш техникаси усулларида бири шундай номланади. Босма графиканинг бу турида металл юзага махсус асбоблар ёрдамида қаламтасвирнинг ўйма нусхаси ҳосил қилинади. Шундан сўнг ўйилган қисмига бўёқ киритилиб қолган қисми тозаланиб ташланади. Шу юза қоғозга босилганида ҳосил бўлган тасвир офорт дейилади.

Французчадан олинганда “офорт”, “мустаҳкам ароқ” (авваллари азот кислотаси шундай дейилган). Офорт бу турли кўринишдаги рангли металллардаги гравюра яъни ундан босма олиш учун металл тахтача юзасини азотли кислота билан ҳосил қилинади.

Бунинг учун офортлар яхшилаб силлиқланган мис, руҳ ёки пўлат тахтачага металл тахтачада амалга оширилади. Офортнинг йирик усталари А.Митдорфер, Ф.Пирмиджанино, Дж.Пиранези, Дж.Тъепало, Ф.Гойя, Ж.Калло, Рембрандт, А. Ван Дейкнинг ижодида катта ўринни эгаллаган.

Россияда офорт билан биринчи бўлиб Симон Ушаков ишлай бошлаган. Шунингдек, ўйма гравюра билан ҳам шуғулланди. XVIII аср бошида Петр 1 гравюрага мухтожлик сезиб, хорижга шу соҳани ўқиб-ўрганиб келиш учун бир қатор рус гравюрачилар ва офорт санъати рассомларини юборди. Уларнинг орасида асосан ўзларининг усталик маҳоратлари билан танилган ака-ука Алексей ва Иван Зубовлар алоҳида ажралиб турдилар. Офортнинг азот техникасининг кенг тарқалишига XIX асрда эришилди. Бу санъат турига И.И.Шишкин, Т.Г.Шевченко, В.А.Серов мурожаат қилдилар. XX асрда И.И.Нивинский, Г.С.Верецкий, Ю.А.Вашенко ва бошқалар ижод қилдилар.

Бадий графиканинг ҳамма турлари билан ижод қиладиган ўзбекистонлик график рассомлар Искандар Икромов, Қутлуғ Башаров, Медат Кагаров, Искандар Воҳидов, Леким Ибрагимов, Марат Садиқовлар Ўзбекистон графика санъатини ривожига муҳим ҳиссаларини қўшган бўлсалар, ҳозирги кунда

К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида фаолият олиб бораётган Д.Мурсалимов, Э.Нурмонов, Н.Абуллаев, Х.Зияханов, А.Акбархўжаев, Л.Башарова, М.Софи, А.Каланов, М.Арипова, Н.Шарипов, Ж.Рашидов ва бошқалар ёш бўлажак график рассомларга билим ва малакаларини оширишда сидқидилдан ёрдам бериб келмоқдалар.

II БОБ. “ХАЁТ” НОМЛИ ДАСТГОХЛИ ГРАФИКА

2.1. Хаёт фалсафаси

Хаётда доимо ўзининг эриша олмаган бирон нарсага шайдо булиб яшаш керак. Инсон юксакликка интилган сари янада баркамоллашади.

М. Горкий

Хаётнинг фалсафаси ўзининг умимий ғоялари билан бирлаштирилган турли йуналишларни бирлаштиради. Рационализм сабабли эскирган фалсафий анъаналарга муносабат сифатида пайдо булди. Хаётнинг фалсафаси ғоялари, биринчи тамойили бўлиб, фақатгина у орқали тушунилиши мумкин. Дунёнинг билишнинг барча рационал усуллари ўтмишида мавжуд.

Хаётнинг мазмуни сифатида қувончга келсак, қувончнинг узи ҳам маънога эга бўлиши керак. Хаётнинг мазмуни инсонга бутун инсоният тан олиш учун етарли даражада етарли эканлиги. Бу борлиқнинг аниқ жихатларини ўзлаштириб олиш учун керак бўлганда фақатгина объектив зарурият туғилганда талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда, инсоннинг ҳаётининг маъноси ҳаётнинг ҳақиқатан улкан бўлганда, инсоннинг ҳатти-ҳаракати унинг ўзига хос хусусиятлари эмас, балки турли даражаларда, ҳаммаҳам бирга бўлмаса ҳам, кўпчиликка хос бўлган нарса содир бўлганда амалга оширилади.

Хаёт фалсафаси учун замон –ижод, тараққиёт ва ташкил топишнинг моҳияти сифатида муҳим аҳамиятга эга. Тарих эса ҳаёт фалсафасида туғилишидан то ўлимигача бўладиган биологик даврийликка ўхшаш жараёнларни бошидан кечирадиган ноёб ва такрорланмас “маданий организмларлар” сифатида намоён бўлади. Тарихий жараён, сабабият қонуни ҳуқумронлик қилган табиатдан фарқли ўлароқ, такдирга бўёсунади. Тарих фақат табиат дунёсидагина ҳаракат қиладиган объектив қонуниятлари исканжасидан чиқиб кетади.⁷

⁷ https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Hayot_falsafasi

Ҳаёт фалсаси тарафдорлари тил муаммосига катта аҳамият беради. Уларнинг фикрича, тил реал ҳаётни изоҳлаб беришга ожизлик қилади, чунки тил истиролар ва тимсоллар шаклда асл, келиб чиқиш жараёнидаги маъноларни йўқотади индивидуал иборалар умумий тушунчаларга айланади. Тушунчалар орқали ифодаланган олам асл оламга мос келмайди. Ҳаёт фалсафсида кейинчалик “омма жамияти” тушунчаси пайдо бўлди у индивидни эрксизликка, ижоддан маҳрумликка, бегоналашувга олиб келади. Бу қарашлар ўша пайтларда пайдо бўлаётган демократия, тенглаштирувчилик ғояларидан “сара одамлар” маданиятини ҳимоя қилишга даъват сифатида ўзини кўрсатади. Шу сабаблар туфайли умум қабул қилинган кадрятларни, меъёрларни “табиий” ҳаёт нуқтаи назаридан қайта баҳолашга асл “ҳаётий” кадрятларнинг ифодачиси бўлмиш комил одамга эргашишга чорлайди. Shpengler фикрича, маданият гуллаб яшнаган даврдан кейин, маданият организмларнинг аста-секин таназзулга учраши рўй беради, унда халқлар ўз хулқ атвори ва фаолиятига кўра оммага айланади.

Ҳар бир кишининг ҳаёти- агар у ўзини инсон деб тушунса, ўзини тор эгаистик маанфаатлар ёўлида эмас, балки қандайдир муаззам ишга интилаётган, улуғвор умум иш учун курашаётган илғор кишиларнинг кўтаринки мақсадлари уни шахсан илҳомланаётганини ҳис этса-у тўла маънодаги инсондир, деб фикр киритган М. И. Калинин. Шу каби кўп файласуфларнинг фикрига тўхталсак А. Блокнинг фикри шундай яшамок керакки, токи ҳаётга чексиз талаблар кўйиш мумкин бўлсин. Фикр чуқур мазмунга эга шу каби Ж. Рексон ҳар бир субҳи тонгни ўз ҳаётинг ибтидоси деб бил ва куёшнинг ҳар бир ботишини ўз ҳаётининг интиҳоси деб тушун. Шу кундалик қисқа ҳаётнинг қандайдир хайрли иш билан, ўз устингдан бирон-бир ғалаба қозонишнинг ёки ниманидир ўрганишинг билан нишонлансин деганидек асар қаҳрамони шу фикр асосида ҳар бир ишда ғалаба қозонишга интилади. Ҳаёт тушунчасига кеёинги файласуфнинг фикри Л. Воверанг буйук ишларни амалга ошириш учун киши худди ҳеч ўлмайдигандек яшаши керак. Ҳаётда ҳар бир инсон ўзи учун тўғри

йўл курса бу унинг катта ютуғи. Ҳаётда бхтли яшашга ҳаммамиз мажбурмиз. Инсон учун энг қадрли нарса нима Ҳаёт, чунки бизнинг барча қувончларимиз, бизнинг бутун бахтимиз, бизнинг жамики умидларимиз фақат ҳаёт билан боғлиқдир дейди Н.Г.Чернишеский. Инсон шуни тушуниши керакки, дунёнинг ижодкори ва соҳибидир, ги барча эзгуликларнингшон-шуҳрати ҳам, ердаги ҳамма бахтсизликлар ҳам унинг зиммасига тушади. Ҳаётда ўз ўрнингни топишинг учун бирон иш қилмаган бўлсанг, яшаш бениҳоят мушкулдир дейди Д. В. Веневитинов фикрга қўшилган ҳолда вақт бор ҳаракат қил, кечикма.

2.2. “Ҳаёт”номли дастгоҳли графиканингярателиши

Бола-ўзи бир дунё. Унинг тоза нигоҳларида ҳаёт жилваланади. Бурро-бурро сўзлашини кўриб, қалбингиз нурга тўлади. Уларнинг дунёқараши , жажжи тафаккури ақлингизни шоширади.Бола дунёси жуда нозик. Ўргача олам, унинг ўз ички тартиби талаби, қоидалари мавжуд.

Ёшлик инсон умрининг сўнмас баҳори! Биз бахтдан масрур бўлсакда , барчв умидларимиз ушалсада , ўсмирлик , навқиронлик ,кексаликнинг ажиб гаштини сураётган бўлсак-да,қандай ҳолатда бўлмайлик, барибир болалик чоғларимизни , ёшлик беғуборликни кўмсаб, ҳар лаҳзада соғиниб яшаймиз! Бироқ, биз қанча ҳаракат қилмайлик ҳеч қачон вақтни ортга қайтариб бўлмайди. Инсон ҳаётидаги ҳар бир дақиқанинг ўз гашти, жозибаси,мазмун ва таровати бор. Бугун кечаги кунга ўхшамайди, кечаги ҳолатни бугун қайтариб бўлмайди.Ҳаётнинг кўрки ва улуғволиги , қизиқлиги ва мураккаблиги ҳам ҳудди мана шу онларнинг ўрин алмашиб алмашилиб туришидадир. Ҳаётнинг барча дақиқалари бир хил ўтса ,бири иккинчисини такрорласа, бундай пайтда инсон умри бефойда, маъносиз ва ҳис туйғулардан йироқда кечар эди. Инсонлардаги жамики эзгу фазилатлар аста-секин, йиллар давомида шакллана боради. Шахснинг камолга етаётган, эзгукликка илк дадил қадами –Ўн саккиз ёшидир. Ўн саккиз ёш- инсон умрининг илк баҳоридир. Қалбларда кўм-кўк майса орзу –истаклар ўсаётган ,яшаш, ўқиш, ишлаш тилаги ҳаёлини банд этган ажойиб дамдир. Болалик ,ўсмирлик, ёшлик кексалик ҳам ,инсонга бир маротаба

насиб бўлади. Ҳар куннинг мазмуни , қай даражада кечиши инсоннинг ёлғизгина ўзига боғлиқ.”Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақшдир”. Дарҳақиқат ,бу ҳикматнинг асосида олам –олам маъно яширин.Ҳар томонлама мукамал давр-ёшликнинг ўзига ҳўс ажойиботлари бор. Келажакда ҳеч қачон афсусланмаслик учун ҳам бугунги ташланаётган кадамимизни ўйлаб босимиз, бугунги хатомиз туфайли эртанги кунимиз азият чекмаслиги учун ҳаракат қилмоғимиз керак. Зеро ,инсон бу ҳаётда бахтли бўлиши учун,ўзининг эзгу амаллари ила яхши ном қолдириш учун дунёга келган.⁸

Умр ўтиб борар мисоли дарё,
”Ҳай-ҳай” деганингга қилмайди парво,
Қайдасан ёшлик даврим... во ажаб!
Кўз очиб юмгунча нелар бўлмайди,
Қилган ишингдан ҳуч кўнглинг тўлмайди.

Ҳаётда номли беш лўпландан иборат дастгоҳли графика асари.Митти қизалоқнинг 23 йиллик умр йўли фантастика жанрда тасвирланган бўлиб, ҳаёт фаолиятдан иборат, фаолият эса кураш демакдир деганидек. Митти қизалоқнинг ҳаётга бўлган интилиши акс этирилган. Тўпламнинг биринчи қисми “Беғубор болалик” деб ном олиб унда фазовий кемада эртак қаҳрамонлари ва ўз онаси билан биргаликдаги келажакка интилиб турган қизалоқнинг тасвири акс этирилган. Асарда эртак қаҳрамонлари тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, композиция ўзгача кўриниш бермоқда. Бу асардадаги обрислар Вилли Вонка ва шоколад фабрикаси асаридан ва бошқа асарлардан фойдаланилган. Бу асарлар рангларга, қизиқ саҳналарга бойлиги биланболаларни ўзига жалб этади. Шу сабабли “Беғубор болалик” асарида айнан шу обрислардан фойдаланилган. Композициянинг марказий қисмида, митти қизча ва унинг онаси ўз тасвирини топган. Она ўз қизига ҳаётнинг ранг баранглигини фазовий кемада кўрсатиб ўтмоқда. Фазовий кема онаси ортида бўлаётган воқеалару обрис кўринишлари бир қарашда қизиқ ва тарбиявийлиги билан бола психологиясига оқ қорани ажрата олишига урғу берилган Илк

⁸ 10. <https://blog.xabar.uz/post/hayot-falsafasi>

гўдаклик бу боланинг химоясиз, камҳаракат, ҳаракат ҳолатидан жуда жадал равишда ривожланадиган, қувноқ болага айланиш давридир. У жуда тез катталар билан муносабат ўрнатаишга, предметларни ушлашга ва улардан фойдаланишга ўрганишга қизиқувчи қизча. У атроф оламдаги нарсаларни кузатиб, предметларни қўли билан ушлаб уларни қандайлигини билишга интиладиган. У ўз онаси ва бошқа яқинлари билан эмоционал муносабатга киришишни хоҳловчи. Гўдак ёшидаги қизча тасвирланди. Иккинчи иш ўсмирлик даври тасвирланган ва ўзгача ном билан “Илк ўсмирлик” деб ном бердик, ишга тўхталсак бу иш биринчисидан қолишмай давомийликни давом этирмоқда. Асар қаҳрамони эндиликда фазовий кема ўрнига учар лифтда тасвирланди. У лифтда онаси ва дўсти билан кўкларни парвоз қилиш билан биргаликда табиатни кузатар гўзал манзаранинг ўзгаришию, содир бўлаётган воқеалар мириқиб кузатиши тасвирланган. Ўсмирлик даврида бола ўз дўстлари ва оила аъзолар атрофида хулқини назорат қилувчи, катталарга кулоқ солишни ва ўқишга қизиқувчанлиги кўрсатиб ўтгандек, бизнинг митти қизча ҳам шундай давр босқичидалигини кўрсатган. Митти қизча мактаб даврда зехнли, удабурон эканлиги асарда ўз аксини топган. Ўсмирлик даврида митти қизалоқ ўзини катта қиз деб тасаввур қилиши, аслида митти кўринишдаги қизалоқдир. Митти қизалоқнинг заргузаштлари давом этганидек учинчи асар ҳам яралди бу асарнинг номи “Балоғат даврим” деб ном олди. Митта қизалоқ улғаяр ҳаёт давом этар у эндиликда у балоғат ёшига қадам қўяр, унда бунга унинг дўстлари, яқинлари унга кўмаклашар уни кўлаб қуватлар, бу ҳаракатлардан унинг хурсандчилигининг чеки йўқлиг бунинг яққол исботи. Асар қолган асарлар каби ўзгача композицияга эга, композицияда митти қизча тасвирий санъатга кириб келиши у манзара бўёқларга бой, бинолар бўёқ кўринишида обрислар турли кўринишда хатто техник робот ҳам тасвирланган инсонни ҳайратга солади. Асар тун ва кун кўринишда гир айланганган сайёралар акс этган. Композицияда асосий урғу митти қизалоққа қаратилган чунки у асар қаҳрамони, қаҳрамон ҳётидаги сахналар ифода топган. Митти қизалоқнинг билимга чанқоқлиги кундан кунга кучаяр, қизиқишлари кўпаяр бунинг

тасирида тўртинчи иш пайдо бўлди. Бу иш “Илмга йўл” ном олган ҳамда убалоғат ёшидан ўтаётган унда у билим олиш жараёнида, дўстлари билан биргаликда мулоҳаза юритар, улардан нималарнидир ўрганар изланар эди. Композицияда яхши ёмон обривларнинг иштироки ҳаётда яхши ёмон инсонларни, ҳаётнинг турли синовларини, очиб беришга ҳаракат қилинди ва бу асарда тушунурлиликини кўрсатди. Сўнги иш, “Митти қизалоқнинг саргузаштлари” митти қизнинг ҳаётининг давомий этиши уни бунданда баланд чўқилар кутаётгани, у ҳеч қачон енгилмаслиги, фақат олдинга ҳаракат қилишини кўрсатиб берди. Қизалоқ улғайгани митти қизалоқдан катта қизалоққа айланганлиги, лекин барибир митти қизалоқдек ҳаёт кечираётган, асар қаҳрамони ва шу сатрларни ёзаётган Муниса эди.

ХУЛОСА

Юртбошимиз: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”, деб куюнчаклик билан таъкидлаганида бир олам маъно бор. Китоб - хазина. Маънавий оламимизни бу хазина гавҳарлари билан безаш ўз қўлимизда. Мутолаага ҳамроҳ инсонни эса қўлида машъала кўтарган шахсдек тасаввур қилиш мумкин. У нафақат ўзининг, балки яқинларининг ҳам йўлини ёритади.

“Халқимизнинг маънавий камолотида ижодкорларнинг хизмати беқиес эканини алоҳида таъкидлаб тараққиетимизнинг ҳозирги босқичида барча соҳа вакиллари қатор маданият ва санъат алоҳида ҳам янада фаоллик, янги-янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшаш, изланиш руҳи талаб этилади.” дея таъкидлайди юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев. Шундай экан биз рассомлардан фақат ижод этиш, креатив ғоялар талаб этилади.

Ҳаёт шиддатли тўфон кабидир. У кўз очиб юмгунимизга қадар тез ўтиб кетади. Инсон учун энг қадирли нарса бу ҳаётдир. Ҳаётда барча қувончларимиз бутун бир бахтимиз жамики орзу-умидларимиз буларнинг барчаси бахтнинг бутунлиги.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек ҳаёт бу –фаолиятдир. Инсон умри давомида тиниб тинчимай доимо олға интилиб яшаши бу қомилиққа қурилган йўлдир.

З.Ширидан: “Муносиб яшалган ҳаётни йиллар эмас, балки бажарилган ишлар билан ўлчамоқ зарур.” дейди. Шундай экан бу фоний дунёда ҳар бир кунинингиз ўрни қолиражак изи бўлмоқлиги керак.

“Ҳаёт” деб ном олган дастгоҳли график асар ҳам ўша митти кизалокнинг яшаб ўтган йулининг тасвири акс топган. Бу дастгоҳли композиция ўзининг ноананавийлиги билан бошқа асарлардан ажралиб туради. Барча ҳаёт деганда оғир колоритлардаги санъат асарини кўз ўнгида гавдалантиради. Бу асар эса

бошқа асарлардан фарқли ўлароқ колоритларга бой, ёрқин ранглардан фойдаланган ҳолда салбий,ижобий қаҳрамонлари билан ҳаётнинг турли сўқмоқлари кўрсатилган.

Биринчи асарда катта бўлаётган жажжигина қизалоқ ҳаётга интилиб космосик кема ичида эртак қаҳрамонларига қараб ўртак олаётган қизалоқ акс эттирилган бўлса, иккинчи асарда эса шу ҳаётни секин-асталик билан ўз суюкли онаси ҳамроҳлигида сайирга чиққанини кўрамиз. Сир синоатларгабой оламини кўришга интилаётган бу қизалоқни учар шар ичидалигининг ўз рамзий маъноси бўлиб ,ота-она ўз фарзандини нуру дийдасини қора кўзлардан асрамоқчи бўлаётганини сезиш мумкин.Учинчи дастгоҳли асарда митти қизалоқ ижодкорлар оламида юриб ижоднинг сир –асрорларини ўрганмоқдалигининг тасвири ифодаланган бўлса , тўртинчи дастгоҳли графикада илмга чанқоқ интилиб турган қизалоқни кўриш мумкин. Сўнги композицияда асар қаҳрамони ўз ижодини ёдга олган ҳолда ,чизган эртак қаҳрамонларини эслаб расм чизаётгани тасвирланган. Айтишадику нафақат болалар балки катталарга ҳам эртаклар олами керак деб.

Ҳаёт деб ном олган дастгоҳли асарга хулоса қилар эканман, аввало композиция декоратив йўл билан фантастик жанрда ишланганини такидлаб ўтиш жоиздир. Асарни бирчи бор кўрганда, оддийгина декоратив эртакнамо асар каби туюлади, аммо бир нарсани ёдга олишимиз керак , ҳеч биримиз туғилибоқ катта бўлмаганмиз. Эртаклар бизни бутун ҳаётимиз давомида ёнимизда ҳамроҳ бўлишади.Болаликдан эртак қаҳрамонларидан ўртак олиб катта бўламиз, кейин эса уларни фарзандларимизга ўртак қиламиз , сўнг набираларимизга.ҳаётимиз шу тарзда давом этади.

Эртаклар яхшиликка етаклар деб беъжиз айтишмайди. ҳаёт деб ном олган композиция ҳам бежиз эртаклар оламида яратилмаган.ҳар бир инсоннинг ҳаёти бир эртакдир.

АТАМАЛАР

Атаманинг ўзбек тилида номланиши	Атаманинг рус тилида номланиши	Атаманинг маъноси
Штрихлаш	Штриховка	Тасвирда ишлатиладиган чизиқлар бирдамлиги ёки бир-бири устига ёткизилган нуқталар ёки чизмага тус беришга ишлатиладиган чизиқлар йиғиндиси.
Соус	Соус	Расм чизишга мўлжалланган юмшоқ материал бўлиб, таркиби лой, бўр, елим ва рангли кукунлардан иборат. Улар қора, оч қорамтир ва оқ рангларда бўлади.
Капитель	Капитель	(лотинча <i>caput</i>) - устун ёки, плястрни боғловчи қисм. Капитель устундан бўртиб чиқиб, устунга ўзгача кўрк беради.
Сангина	Сангина	(фр. <i>сангуине</i> , лотинча- <i>сангуис</i>) — расм чизишга мўлжалланган қаламча шаклидаги юмшоқ материал бўлиб, таркиби <u>каолина</u> ва <u>темир оксидларидан</u> иборат.
Тушувчи соя	Падающая тень	Ёруғлик манбаи билан бир хил йўналишда жойлашган бошқа буюмнинг нур манбаидан яширин томони майдони.
Қараш нуқтаси	Точка обзора	Расм чизувчининг жойлашган ўрни ёки кузатиш нуқтаси
Қараш бурчаги	Угол обзора	Жисмнинг чекка нуқталарига қараб кузатувчидан чиқаётган нурлар йўналиши.
Ўз сояси	Собственная тень	Предметнинг бир тарафи ёруғликда, бошқа томони сояда жойлашганидаги пайдо бўладиган соя.
Ёруғ-соя	Светотень	Бирон-бир буюмнинг соя-ёруғини аниқлашдаги график муносабат.
Экорше	Экорше	(франц. <i>Écorché</i> – “шилип олинган” <i>экорсе</i> – “жилд”) – ўқув жумла, одамнинг мускуллари юзага чиқарилган терисиз қомати
Тушлаш	Растушовка	Тасвирнинг аниқ бир қисмини соя-ёруғини кўрсатиб бериш учун қўлланиладиган услуб
Портрет	Портрет	(франц. <i>Портраит</i> - тасвир) – тасвирий санъат жанри, бир ва ундан ортиқ одам тасвири

Натюрморт	Натюрморт	<i>(французчадан «натюрморт» сўзи “ўлик нарса” деган маънони англатади).</i> Бу тасвирий санъат жанридир. Бу жанр асарларида асосан инсонни ўрап турган буюмлар аксини топади – кўзалар, вазалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, гуллар ва бошқа маиший буюмлар шулар жумласидандир. Ижодий натюрморт – бу рассомнинг инсонни ўрап турган буюмлар аксини ўз замони ва маконидагидек қилип тасвирлаши ҳисобланади.
Ҳомаки нусха	Этюд	<i>(французча «етуде» - ўрганиш)</i> – ҳаётдан ишланган иш. Кўпинча этюд мустақил маъно касб этади. Баъзида у чизувчининг профессионал малакасини ошириши билан бир қаторда оламни чуқурроқ ва ҳаққоний ўрганишга хизмат қилади. Шу билан бирга этюд ишланадиган асарга ҳам ёрдамчи, ҳам тайёрловчи материал бўлиб ҳам хизмат қилади. Этюд ёрдамида рассом асар ғоясини аниқлайди ва майда қисмларига ишлов беради.
Гризайл	Гризайл	<i>(французчадан Грисайл – грис сўзидан «кул ранг» маъносини англатади)</i> – бу рангтасвир тури ҳисобланиб, бир ёки икки рангда ишланадиган, кўпинча жигарранг ёки кул рангларда тасвирланади ҳамда бу архитектура ва ҳайкалтарошлик элементларини қоғозга тушириш техникаси ҳисобланади. Гризайлда буюмнинг фақат туси ҳисобга олиниб, рангини эса аҳамияти йўқ.
Абрис	Абрис	Ҳажмнинг чизиқли шакли
Ракурс	Ракурс	Буюм шаклининг перспектив қисқариши воситасида унинг доимий кўриниши ўзгариши; буюмнинг тепа ёки пастдан қаралгандаги тўсатдан берилган қисқартмалари.
Нисбатлар	Пропорции	Буюмлар қисмларининг бир-бирига ва асосига бўлган ўлочамлар муносабати
Яримсоя	Полутень	Ҳажмли буюмнинг юза қисмидаги соя-ёруғнинг, соя ва нурнинг ўртасидаги ранг бирлиги
Ҳажм	Объем	Тасвирнинг текисликдаги уч ўлчамли шакли.

Буюм формаси	Форма предмета	Буюм, объект ҳамда чизиқлар жойлашуви чегараларининг нисбий ҳолати
Композиция (тасвирий санъатда)	Композиция (изобразительном искуутве)	Бу бадий шаклни мужассамлаштирадиган, асарга бирдамлик ва яхлитлик берувчи, рассом ғояси элементларини бир-бирига жипслаштирувчи нарса.
Қоралама	Эскиз	Бадий асар ғоясини белгиловчи дастлабки чизма.
Пейзаж	Пейзаж	(фр. <i>Paysage</i> , пайс дан — ўлка, атроф) – тасвирий санъат жанри (ҳамда бу жанрнинг алоҳида асарлари) бўлиб, тасвирнинг асосий буюми у ёки бу даражада инсон томонидан ўзгартирилган табиатдир.
Перспектива	Перспектива	(фр. <i>перспестиве</i> , лат. <i>персписере</i> — орқали кўриш) – фазовий объектларнинг бирон- бир текисликдаги зохирий қискартирилишига мувофиқ уларнинг шакли ва соя-ёруғлиги ўзгаришини ифода этувчи тасвир техникаси.
Панорама	Панорама	Айлана подрамникда ишланадиган тасмасимон асар.
Акварель	Акварель	(фр. <i>Ақуарелле</i> — сувли; итал. <i>асқуарелло</i>) – рангтасвир ашёси бўлиб, махсус сув бўёқларидан фойдаланувчи, сувда эриган ҳолатида юпка шаффоф суспензия ҳосил қилиш орқали тасвирга енгиллик, қулайлик ва нозик ранг ўтиш таъсирини яратиб беради.
Гуашь	Гуашь	(фр. <i>Гоуаче</i> , итал. <i>гуаззо</i> сув бўёғи, шовуллаш маъноларини англатади) – акварелга қараганда қалинроқ ва хира бўлиб, сувда эрийдиган елимли бўёқлар турига киради.
Рангтасвир	Живопись	Тасвирий санъат тури бўлиб, кузатувчининг кўриб турган ёки ҳаёлий воқеликни қалин ёки эгилувчан юзага бўёқлар ёрдамида тасвир тушириладиган тушунчадир.
Блик	Блик	Тасвирланаётган нарсадаги энг ёруғ шуъла, қисм. Айниқса ҳажмли нарсаларнинг бўртириб чиққан қисмларида шуъла яққол кўринади.
Бадийлик	Художественный	Санъат асарларининг мезони, ўлчови.

Интерьер	Интерьер	Бино ичкарасининг кўриниши бир бурчаги, қисми. Интерер тасвирий санъатнинг жанри бўлиб бинонинг ички кўринишлари тасвирланади.
Колорит	Колорит	Бадий асар мазмунини тушунарли бўлишида ранглар нисбатидан фойдаланиш, бадий асарлардаги рангларнинг умумий туси, тузилиши.
Рефлекс	Рефлекс	нарсанинг шахсий ва тушувчи соясидаги акс шуъла теварак атрофдаги нарсаларни таъсири натижасида содир бўлади.
Фон	Фон	фон, замин, таг; (кўм-кўк осмон фонида, рангли мато фонида) суратларда энг охириги орқа план рангини билдирувчи ибора.
Колористика	Колористика	Ранг ҳақидаги фан бўлиб, ранглартабиати, асосий, таркибий (ташқил этувчи) ва кўшимчаранглар, рангларнингасосий характеристикалари, рангконтрастлари, ранглараралашуви, колорит, ранглар уйғунлиги, ранглар тили ва ранглар маданияти ҳақидаги билимларни ўз ичига олади. Ранглар дунёси қонунлари ранглар билан дўстлашиш ёки дўстлашмасликни аниқлаб беради.
Чуқурлик	Глубина	ранглар тоналлигининг ёрқин ёки хиралик даражаси.
Ёрқинлик	Светлый	буярқираётган (ёки нур сочаётган) жисмнинг характеристикаси бўлиб, қандайдир йўналишдаги ёруғлик кучининг ярқираётган сиртнинг шу йўналишга перпендикуляр бўлган текисликка тушаётган проекциясининг (тасвирининг ёки аксининг) майдони нисбатига тенг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари

- 1.1. И.А.Каримовнинг 2014 йил 6 февралдаги ПҚ-2124-сонли “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Туркистон. 2014. 8 февраль.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 2.1. Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. 03.08.2017 й.
- 2.2. И.А.Каримов. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008 й.
- 2.3. И. А. Каримов Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 27.


III. Асосий адабиётлар

- 3.1. Ш.Абдуллаев. Тасвирий санъат нима, унинг тур ва жанрлари (Санъат тарихини ўрганувчилар учун ўқув қўлланма) Тошкент-2009 й
- 3.2. Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XX аср ўзбек адабиёти. 11-синф учун дарслик. Т., “Ўқитувчи”, 1995. 345-бет.
- 3.3. Н.Абдуллаев, “Санъат тарихи”, 1-жилд, Тошкент, 1991 й.

IV. Интернет сайтлар

- 4.1. https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Hayot_falsafasi
- 4.2. <https://blog.xabar.uz/post/hayot-falsafasi>
- 4.3.. <https://kitoblardunyosi.uz/bola-odobi-bilan-aziz-lotin>

Иловалар




“Беғубор болалик”




“Илк ўсмирлик”



“Балоғат даврим”



“Илмга йўл”



“Митти қизалокнинг саргузаштлари”